



## The essence of the concept of communicative competence

Barno SAPAEVA<sup>1</sup>,

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

#### *Article history:*

Received December 2021  
Received in revised form  
15 December 2022  
Accepted 20 January 2022  
Available online  
15 February 2022

#### *Keywords:*

communication,  
competence,  
communication,  
speech,  
language,  
interaction,  
communicative competence,  
knowledge,  
cognition,  
competence,  
education,  
ability,  
communication skills,  
subjects of activity.

### ABSTRACT

The article describes the content and essence of the concept of communicative competence and its characteristics. It also analyzes the interrelationships of related concepts such as communication, communication, competence, communicative competence, which are components of communicative competence. In particular, the main features of communicative competence in learning foreign languages are revealed.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss1/S-pp320-325>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Коммуникатив компетентлик тушунчасининг моҳияти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг характерли жиҳатлари кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, коммуникатив компетентликнинг таркибий қисмларидан бўлган коммуникация, мулоқот, компетентлик, коммуникатив компетентлик каби ёндош тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари таҳлил қилинган. Айниқса, коммуникатив компетентликни хорижий тилларни ўрганишдаги асосий хусусиятлари очиб берилган.

#### *Калит сўзлар:*

коммуникация,  
компетентлик,  
мулоқот,  
нутқ,  
тил,  
ўзаро муносабат,  
коммуникатив  
компетентлик,  
билим,  
билиш,  
компетенция, таълим,  
қобилият,  
мулоқот кўникмалари,  
фаолият субъектлари.

<sup>1</sup> Independent Researcher at the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan. Tashkent region, Uzbekistan.

## Значимость понятия коммуникативной компетенции

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

общение,  
компетенция,  
речь,  
язык,  
взаимодействие,  
коммуникативная  
компетенция,  
знание,  
познание,  
компетенция,  
образование,  
способность,  
коммуникативные  
навыки,  
субъекты деятельности

В статье раскрывается содержание и сущность понятия коммуникативная компетентность и ее характеристики. Также анализируются взаимосвязи родственных понятий, таких как общение, компетенция, коммуникативная компетентность, которые являются составляющими коммуникативной компетентности. В частности, раскрываются основные черты коммуникативной компетенции при изучении иностранных языков.

Ўзбекистон Республикасидаги замонавий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият маданиятларнинг яқинлашиши, мамлакатимизнинг халқаро майдонга чиқиши учун барча зарурий шарт-шароитлар мавжудлигини тақазо қилади. Айниқса, давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, нуфузи, маъқеи, ўз навбатида, аҳолисининг тил билиш даражаси билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиш масаласи давлат аҳамияти даражасига кўтарилишига олиб келди. Шу сабабли ўқувчиларда инглиз тилини ўрганиш орқали уларда коммуникатив компетентликни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу кўп жиҳатдан сўнгги йилларда глобаллашув жараёнларининг турли маданият вакиллари ўртасидаги мулоқот жараёнига таъсирининг энг ёрқин ифодасида ўз аксини топмоқда.

Бугунги кунда жамият ва давлат ўқувчиларнинг фанга ва умумий маданий тайёргарлигига, шу жумладан, турли тилларда ва манбаларда тақдим этилган маълумотларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига, глобал миқёсда жаҳоннинг турли давлатларига саёҳат қилиш малакаларига нисбатан жуда кенг талабларни белгилаб берди. Шунингдек, ижтимоий-маданий оламда ўз ўрнига эга бўлиш, намоён қилиш, ватандошлар ва бошқа маданият вакиллари билан тўғридан тўғри мулоқот стратегиясини топишда бу асосий омил сифатида гавдаланади.

Бу эса, ўз навбатида, инглиз тилини ўрганиш жараёнида мактаб ўқувчиларида коммуникатив компетентликни шакллантириш, шунингдек, уларнинг маданиятлараро мулоқот қилиш қобилияти ва тайёргарлигини таркиб топтиришга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Мактаб ўқувчиларига инглиз тилларини ўргатиш жараёнида коммуникатив компетентликни шакллантириш муаммосини таҳлил қилишда “компетентлик”, “мулоқот”, “коммуникатив компетентлик”, “шакллантириш” каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Даставвал, биз компетенция тушунчасини кўриб чиқишимиз керак. Бугунги кунда ушбу концепцияни кўриб чиқишда кўплаб ёндашувлар мавжуд. Тадқиқотларимиз жараёнида мазкур концепцияга нисбатан берилган кўплаб таърифларни

кўриб чиқамиз. Жумладан, Н.Хомский тил назарияси тизимида биринчи бўлиб, 1965-йилда ўзининг “Синтаксис назариясининг жиҳатлари” асарида “компетентлик” тушунчасидан фойдаланган. Олимнинг фикрича, лингвистик компетенция “сўзловчининг – тингловчининг ўз тилини билиши”дан бошқа нарса эмас ва бу билимлар тилнинг кундалик ҳаётда ҳақиқий қўлланилишига қарама-қарши қўйилади [12].

Таълим соҳасидаги компетенциявий ёндашувни шакллантириш ва ривожлантириш шароитида таълим соҳасидаги тизимли ўзгаришлар “компетентлик” тушунчасининг мазмуни доимий равишда ўзгаришига таъсир қилади ва бу турли олимлар ҳамда муаллифлар томонидан ўзига хос тарзда талқин қилинган.

С.И. Ожегованинг ва Н.Ю. Шведованинг изоҳли луғатида “компетент” тушунчасига нисбатан қуйидаги таъриф илгари сурилган: билимдон, қайсидир соҳада обрўли, ўз соҳасининг етук мутахассиси, “компетентлик” тушунчаси эса “ҳар бир инсон яхши биладиган масалалар доираси” [9].

С.Е. Шишов ва В.А. Кальней компетенция “таълим орқали олинган билим, тажриба, мойиллик, қадриятларга асосланган умумий қобилият” деб ҳисоблайди [15]. Муаллифлар ушбу концепцияни ҳар томонлама кўриб чиқадилар ва компетентлик билим ва уни муайян вазиятдан кейин қўллаш ўртасидаги боғлиқликни йўлга қўйишга имкон беришини таъкидлайдилар. Улар маълум бир вазиятда ўз қўлланилиш соҳасини топилгандагина компетенция хусусида фикр юритиш мумкинлигини кўрсатиб берадилар. О.В. Кудряшова ўзининг изланишларида барча компетенцияларнинг асоси билим ва улардан фойдаланиш қобилияти эканлигини таъкидлайди. Компетенция ва маҳорат ўртасидаги муҳим фарқ шундаки, у ҳар доим турли муаммоларни ҳал қилиш учун биргаликдаги фаолият ва ўзаро таъсирга ҳиссий ва психологик тайёрлик билан боғлиқ ҳамда ўқувчиларнинг маълум шахсий фазилатлари, ахлоқий ва этник қадриятлари билан тавсифланади [6].

А.В. Хуторский: “Компетенция деганда, шахснинг ўзаро боғлиқ хусусиятлари, яъни объектлар ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан қўлланиладиган ва ушбу жараёнларга нисбатан юқори сифатли фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва фаолият усуллари мажмуини тушунамиз [14]”, – дея таъкидлаган.

Юқоридагиларни умумлаштириб, биз шундай хулосага келдикки, компетенция нафақат шахснинг маълум билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари йиғиндиси, балки шахснинг индивидуал қобилиятлари мажмуи ҳамда битирувчини тайёрлаш учун берилган талаблар, шахсий ҳамда зарур сифатларни шакллантиришнинг муайян яқуний натижасидир.

Маълумки, “коммуникация” тушунчаси (лотинча *communico* – умумий маънони англатади) жуда кенг бўлиб, у инсон фаолиятининг турли соҳаларида педагогика, психология, тилшунослик, менежмент, ҳуқуқшунослик, иқтисод ва ҳоказоларда қўлланилади. Бугунги кунда ушбу тушунчага нисбатан берилган қатор таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Коммуникация, умумий маънода, хабар, ҳар қандай маълумотни узатишдир [1]. Мулоқот жараёни инсон ва жамият ҳаётининг муҳим асосларидан бири сифатида тақдим этилади. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мулоқот жараёни ўзини ҳам, унинг натижасини ҳам англатади [2]. Ўз навбатида, шахсларо мулоқот маълумотни бир шахсдан бошқа инсонга

мақсадли объектга ёки маълум бир гуруҳ объектларига ўтказиш жараёнидан бошқа нарса эмаслигидан далолат беради.

Коммуникация хусусида фикр юритадиган бўлсак, бу мулоқот қилувчи томонларнинг ғоялари, фикрлари, билимлари, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи интеграл белгилар шаклланишининг алмашинуви деб таъкидлаш мумкин [11].

Юқорида қайд этилган қоидалардан келиб чиққан ҳолда, коммуникация жараёнида ахборот функцияси ахборотни узатишдан иборат бўлган асосий жараённи амалга оширади. Шунга монанд равишда унинг иккинчи функцияси жамоани яратиш ва унинг аъзолари ўртасида олинган ахборотларни фаол равишда ўзлаштирадидлар ҳамда тушунадилар. Натижада, томонлар ўртасида ўзаро фикр алмашилиш ҳамда ўзаро тушуниш жараёни амалга ошади.

Маълумки, коммуникатив компетентлик борасида олимлар томонидан олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, айнан компетенциялар таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларга нимани ўргатиш ва қандай ўргатиш, нималарни шакллантириш лозимлиги муҳим саналади. Бу жараёнда инглиз тили дарслари ҳам бундан мустасно эмас. Шу нуқтаи назардан олганда, “коммуникатив компетентлик” тушунчасини таҳлил қилиш биз учун долзарб муаммодек кўринади.

Э.И. Литневская коммуникатив компетенцияга нисбатан қуйидаги таърифини илгари суради: “Нутқ фаолиятининг барча турларини оғзаки ва ёзма нутқ маданияти элементларини, маълум бир ёшдаги мулоқотнинг ҳаётий соҳалари ва вазиятларида тилдан фойдаланишнинг асосий кўникмалари ва малакаларини ўзлаштиришдир” [7].

Бир қатор хориж тадқиқотчиларнинг фикрича, мактабда инглиз тилини ўқитишдан мақсад коммуникатив компетенцияни ривожлантиришдир. И.А. Зимняя, умуман олганда, инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича хориж олимларининг фикрларига қўшилган ҳолда коммуникатив компетентлик “инсон кўникмалари мулоқотда коммуникатив фаолият субъекти сифатида роль ўйнайди [4], деган ғояни илгари сурган.

Н.И. Гез коммуникатив компетентликни “турли ижтимоий жиҳатдан белгиланган шароитларда тилни тўғри қўллаш қобилияти” деб тушунади [3]. Тилни билишдан ташқари, коммуникатив компетентлик нутқни мулоқотнинг мақсади ва ҳолати билан таққослаш қобилиятини, шунингдек, коммуникатив хатти-ҳаракатларнинг маданий ва ижтимоий меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мулоқотни тўғри йўлга қўйиш қобилиятини ўз ичига олади.

Шу ўринда коммуникатив компетентликка нисбатан мукамал таъриф М.Р. Львов томонидан келтириб ўтилган бўлиб, унинг таъкидлашича, “коммуникатив компетентлик – бу тил ва унинг фонетик хусусиятларини, лексик ва грамматик бирликларини, стилистикасини, нутқ маданиятини, ушбу тил воситаларига эга бўлишни ва нутқ фаолияти турларини билишни билдирувчи тушунчадир. Шунингдек, нутқ, тинглаш, ўқиш, ёзиш - инсоннинг ижтимоий, касбий, маданий талаблари доирасида ва коммуникатив компетенция табиий нутқ фаолияти ҳамда махсус тайёргарлик натижасига эга бўлади” [8].

Коммуникатив компетентлик бир қатор олимлар томонидан “тил ёрдамида ўзаро таъсирни амалга ошириш, яъни суҳбатдошлар билан мулоқот қилиш жараёнида ўз фикрларини ифодалаш ва улардан турли шароитларда фойдаланиш, тилшунослик тизимини тўғри қўллаш қобилияти”, деб талқин қилинади ҳамда

нутқ меъёрлари, маълум мулоқот шароитларига мос келадиган коммуникатив хатти-ҳаракатларни афзал кўрадилар” [10].

А.Н. Казарцевнинг фикрига кўра, “коммуникатив компетенция – бу бегоналарни тушуниш ва мулоқотнинг мақсад, соҳалар, вазиятларига мос келадиган нутқ хатти-ҳаракатлари орқали ўз дастурларини яратиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг жамланмасидир. У нутқ лингвистикасининг асосий тушунчалари – услублар, турлар, матндаги жумлаларни боғлаш усуллари ва бошқалар ҳақидаги билимларни ўз ичига олади; матнни таҳлил қилиш малакалари ва қобилиятлари ва мулоқот қила олиш қобилиятлари - қабул қилувчи ва мақсадни ҳисобга олган ҳолда мулоқотнинг турли соҳалари ва вазиятларига нисбатан оғзаки мулоқот қилиш кўникмалари ва қобилиятлари” [5].

Н. Хомский томонидан киритилган “лингвистик компетентлик” атамаси “коммуникатив компетентлик” (Д. Хаймс) каби тушунча билан тўлдирилади. “Мазкур концепцияда гапнинг грамматика қоидаларига бўйсунадиган ўзига хос қоидалари мавжудлиги ва уларнинг ўзлаштирилиши мулоқот жараёнида тилдан фойдаланиш қобилиятини таъминлайдиган маънога эга эди” [12].

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигига нималар киритилиши кераклигига кўплаб ёндашувлар мавжуд. Д.Хаймс бу ерга дискурсив (айтилаётган гапнинг маъносини қуриш қоидалари) ва стратегик (суҳбатдош билан алоқани давом эттириш қоидалари), грамматик (тил қоидалари) ва ижтимоий-лингвистик (диалект нутқ қоидалари) компетенцияларини киритишни зарур деб ҳисоблади [12].

Келтирилган фикрлардан кўринадикки, коммуникатив компетентлик тушунчаси ўзининг таркибига кирувчи коммуникация, мулоқот, компетентлик нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мазкур тушунчаларининг шахсда шаклланиши уларда коммуникатив компетентликнинг ривожланишига олиб келади. Шунга мувофиқ қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– шахсда муомала, мулоқот малакаларининг ривожланиши уларда коммуникатив компетентликнинг тараққиётига таъсир кўрсатувчи омил эканлиги аниқланди;

– коммуникатив компетентликнинг шахсда шаклланиши инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйишига ҳамда мулоқотчанлик малакаларининг ривожланишига олиб келади;

– ўқувчи шахсида инглиз тилини ўрганишда коммуникатив компетентликнинг шаклланиши уларда тил кўникмаларининг ривожланиши билан белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бориснёв С.В. Социология коммуникации: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА / С.В. Бориснёв – 2003. – С. 270.

2. Гальскова Н.Д. Межкультурное общение: проблема целей и содержания обучения иностранным языкам / Н.Д. Гальскова // Иностранные языки в школе. 2004. – № 1. – С. 3–8.

3. Гез Н.И. Формирование коммуникативной компетенции как объект зарубежных методических исследований / Н.И. Гез // Иностр. языки в школе. – 1985. – № 2. – С. 17–24.



4. Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку (на материале русского как иностранного) / И.А. Зимняя. – М.: Рус. яз., 1989. – С. 219.
5. Казарцев А.Н. Культура речевого общения: теория и практика обучения: учебное пособие. 2-е изд. – М.: Флинта – Наука, 1999. – С. 496.
6. Кудряшова О.В. Методика поэтапного формирования коммуникативной компетенции в письменной речи: Английский язык, языковой вуз: дис. ...канд. пед. наук: 13.00.02 / О.В. Кудряшова. – Челябинск, 2005. – С. 192.
7. Литневская Е.И. Методика преподавания русского языка в средней школе: учеб. пособие для студентов высших учебных заведений / Е.И. Литневская, В.А. Багрянцева. – М.: Академический проект, 2006. – С. 588.
8. Львов М.Р. Словарь-справочник по методике преподавания русского языка: Пособие для студентов педагогических вузов и колледжей / М.Р. Львов. – М.: Издательский центр «Академия»; Высшая школа, 1999. – С. 272.
9. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова. – 4-е изд., дополненное. – М.: Азбуковник, 1999. – С. 994.
10. Сафонова, В.В. Коммуникативная компетенция: современные подходы к многоуровневому описанию в методических целях / В.В. Сафонова. – М.: Изд-во НИЦ «Еврошкола», 2004. – С. 236.
11. Социология: словарь-справочник. Т. 3. Междисциплинарные исследования. – М., 1991.
12. Хомский Н. Язык и проблемы знания // Вестник Московского университета. Сер.9. Филология. 1996. – № 6. – С. 157–164.
13. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса / Н. Хомский. – М., 1972. – С. 259.
14. Хуторской А.В. Педагогическая инноватика / А.В. Хуторской – М.: УНЦ ДО, 2013. – С. 222.
15. Шишов С.Е. Мониторинг качества образовательного процесса в школе: монография / С.Е. Шишов, В.А. Кальней, Е.Ю. Гирба. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2013. – С. 206.